

# “УЗУН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2-СОН БАЁННОМАСИ

Сурхондарё вилояти,  
Узун тумани, Жомий кўчаси 22-уй

2021 йил 2 октябрь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Жомий кўчаси 22-уй, “Узун пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **09:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 3 584 100.

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кузатув кенгаши томонидан 2021 йил 09 сентябрда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестри тузилган сана - 2021 йил 10 сентябрь, йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2021 йил 27 сентябрь.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Исломов Акмал Хакимович – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

2. Курбанов Шамситулла Аллаевич - “Сурхондарё минтакавий пахта терминали” МЧЖ бош ҳисобчиси – акциядор;

3. Гулямов Нигматулло Кадиорович – “Сурхондарё минтакавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси;

Йиғилиш котиби этиб Х.Хайдаров – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни 2021 йил 26 июнда бўлиб ўтган акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган санок комиссияси аъзоси Х.Хайдаровга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2021 йил 27 сентябрь ҳолатига шакллантирилган, “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 681 та акциядорга тегишли 3 584 100 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 898 100 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 52,96 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

1. Омонов Улугбек Шукруллаевич – жамият бош директори.

2. Алиев Уткир Асатиллаевич – жамиятнинг Молиявий масалалар бўйича директори-Бош бухгалтер.

3. Исломов Махманазар Қурбонович – жамият ҳуқуқшуноси

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов йиғилиш кун тартибини эълон қилди



## КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. “Узун пахта тозалаш” АЖ балансидаги асосий воситалар (станоклар, дастгоҳлар, асбоб ва ускуналарни) баҳоланган қийматда «DENOVA TEKSTIL KLASTAR» МЧЖга сотиш бўйича йирик битим тузиш тўғрисида.

3. “Узун пахта тозалаш” АЖ балансидаги “Боботоғ” пахта қабул қилиш масканини баҳоланган қийматда e-auction электрон савдо платформаси орқали сотишни кўриб чиқиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди.

Бундан ташқари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2021 йил 9 сентябрдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи –Хайдаров Хайрулла, жамият ҳуқуқшуноси Исломов Махманазар, акциядор Турахонов Мажидхонлар номзодларини киритиш таклифи берилган. Йиғилиш раиси жамият акциядорларидан йиғилиш регламенти ва санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетень орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 898 100 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) Х.Хайдаров;

2) М.Исломов;

3) М.Турахонов.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидаги иккинчи масалани ўқиб эшиттирди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 18 мартдаги 230-сонли қарорига асосан



“ШАШМОХКАШОБ” МЧЖга инвестициялар киритган ҳолда, 5 йил муддатда бўлиб-бўлиб (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан баҳолаш қийматида сотиш белгиланган.

Бироқ, “Узун пахта тозалаш” АЖ ва “ШАШМОХКАШОБ” МЧЖ ўртасида 2020 йил 01-августда 01/08-сонли асосий воситалар (станоклар, дастгоҳлар, асбоб ва ускуналар)ни фойдаланиш бўйича ижара шартномаси тузилган сабаби кластер сотиб олишни рад этган ва асбоб ускуналардан ижара асосида фойдаланиб келган.

“ШАШМОХКАШОБ” МЧЖ (ҳозирда «DENOV TEKSTIL KLAUSTER» МЧЖ) 2021 йил 27-апрелда 27/04-сонли хат билан жамиятга мурожаат этиб, “Узун пахта тозалаш” АЖ балансидаги асосий воситалар (станоклар, дастгоҳлар, асбоб ва ускуналар)ни бугунги кунга қайта баҳолатилгандан сўнг сотиб олиш истаги борлиги хақида маълум қилган.

Бундан ташқари, “Узун пахта тозалаш” АЖ 2021 йил 28-апрелда 01-10/34-сонли хат билан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича Лойиҳа Офиси раҳбари А.Ҳимматовга мурожаат этиб, “ШАШМОХКАШОБ” МЧЖ (ҳозирда «DENOV TEKSTIL KLAUSTER» МЧЖ) “Узун пахта тозалаш” АЖ балансидаги асосий воситалар (станоклар, дастгоҳлар, асбоб ва ускуналар)нинг баҳосини бугунги кунга қайта баҳолатилгандан сўнг сотиб олишни маълум қилганлиги бўйича ўз муносабатларини билдиришликлари сўралган. Ушбу мурожаатга асосан, “Ўзпахтасаноат” АЖ Департамент бошлиғи Ф.Турсуновнинг 2021 йил 07-майда ФТ-12/990-сонли жавоб хатида, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 8 ва 9 бобларида жамият томонидан битим тузиш талаблари келтирилган бўлиб, унга кўра жамият томонидан мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битим тузиш, мол-мулкни қийматидан келиб чиқиб, жамият бошқарув органлари (кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши) қарорлари асосида амалга оширилиши кўрсатилганлиги хақида маълум қилинган.

Ҳозирги кунда жамият балансидаги асосий воситалар (станоклар, дастгоҳлар, асбоб ва ускуналар) “GLOBAL BAHOLASH” МЧЖ баҳолаш ташкилоти томонидан 2021 йил 16 сентябрь куни берган хулосасига асосан 2021 йил 1 август ҳолатига тўлиқ баҳоланган ва “KONSERVIS” МЧЖ томонидан 2021 йил 16 сентябрда экспертизадан ўтказилган.

Баҳолаш натижасига кўра

ТМБ номи	Баҳоланган қиймати	ҚҚС	ҚҚС билан қиймати
Завод ва завод қошидаги ПТМ асбоб ускуналари	5346203958	801930593,7	6148134552
“Файзово” ПТМ асбоб ускуналари	716082549	107412382,4	823494931
“Қоратор” ПТМ асбоб ускуналари	731003447	109650517,1	840653964
<b>Жами</b>	<b>6793289954</b>	<b>1018993493</b>	<b>7812283447</b>

Мазкур баҳоланган асосий воситалар (станоклар, дастгоҳлар, асбоб ва ускуналар)ни баҳоланган қийматда кластер корхонасига сотилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.



Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 1 898 100 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият балансидаги 7 812 283 447 сўм миқдордаги асосий воситалар (станоклар, дастгоҳлар, асбоб ва ускуналар) тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали «DENOV TEKSTIL KLASTER» МЧЖга сотилсин, олди-сотди шартномаси белгиланган тартибда расмийлаштирилиб 5 йил давомида тенг тақсимланган тўловларга асосланган тўлов графиги ишлаб чиқилсин.

2. Асосий воситаларни сотиш бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасига тўловлар қуйидагича киритилиши таъминлансин:

- Асосий воситалар умумий қийматининг 15 фоизи олди-сотди шартномаси тузилгандан сўнг 1 ой муддатда;

- Асосий воситалар умумий қийматининг қолган 85 фоизи тенг миқдордаги йиллик тўловлар, яъни 2021, 2022, 2023 йиллар ҳисобидан ҳар ойнинг 5 санасида тўланиши;

3. “Узун пахта тозалаш” АЖ ва «DENOV TEKSTIL KLASTER» МЧЖ ўртасида асосий воситаларни сотиш бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасини имзолаш ваколати жамият бош директори У.Омоновга берилсин.

4. “Узун пахта тозалаш” АЖнинг асосий воситалари сотилиши ҳисобига ҳосил бўладиган солиқлар ўз вақтида ҳисобланиб, давлат бюджетига тўланиши таъминлансин.

5. Амалга оширилган ишлар тўғрисида “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ ва “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича Лойиҳа офисига маълумот киритиб борилиши жамият бош директори У.Омоновга юклатилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан – йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидаги учинчи масалани ўқиб эшиттирди. Маълумки, жамият балансидаги “Боботоғ” пахта қабул қилиш маскани кластер корхонаси томонидан сотиб олиш рад этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарори, “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича Лойиҳа офисининг 2021 йил 03 февралдаги АХ-18/210 ва 2021 йил 04-февралдаги АХ-12/230-сонли мурожаатлари ижросини таъминлаш мақсадида “Боботоғ” пахта қабул қилиш масканини бино иншоотлари ва асбоб ускуналари билан баҳоланган нархларда «E-AUKSION» электрон савдо платформаси орқали сотиш масаласи қўйилган.

Ҳозирги кунда жамият балансидаги “Боботоғ” пахта қабул қилиш маскани мулкий мажмуаси ҳамда асосий воситалари (станоклар, дастгоҳлар, асбоб ва ускуналар) “GLOBAL BAHOLASH” МЧЖ баҳолаш ташкилоти томонидан 2021 йил 16 сентябрь куни берган хулосасига асосан 2021 йил 1 август ҳолатига тўлиқ баҳоланган ва “KONSERVIS” МЧЖ томонидан 2021 йил 16 сентябрь куни экспертизадан ўтказилган.



Баҳолаш натижасига кўра

Асосий воситалар номи	Баҳоланган қиймати	ҚҚС	ҚҚС билан қиймати
“Боботоғ” ПТМ бино ва иншоотлари	542 492 054	81 373 808,1	623 865 862,1
“Боботоғ” ПТМ асбоб ускуналари	352 249 335	52 837 400,25	405 086 735,3
<b>Жами</b>	<b>894741391</b>	<b>134 211 208,4</b>	<b>1 028 952 597</b>

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорлардан “Боботоғ” ПТМ бино ва иншоотлари ҳамда асбоб ускуналарининг баҳоланган қийматда «E-AUKSION» электрон савдо платформаси орқали сотилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –1 898 100 та овоз; “Қаршилар” –йўқ; “Бетарафлар” –йўқ.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Боботоғ” пахта қабул қилиш масканини бино иншоотлари ва асбоб ускуналари билан 1 028 952 597 сўмга қайта баҳоланган нархда «e-auction» электрон савдо платформаси орқали сотувга қўйилсин.

2. Жамият бошқарув раиси У.Омоновга «e-auction» электрон савдо платформаси орқали сотувга чиқариш ва савдо натижалари бўйича “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ ҳамда “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича Лойиҳа офисига маълумот киритиш вазифаси юклатилсин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:

А.Исломов

Йиғилиш котиби:

Х.Хайдаров

Йиғилиш баённомаси 2021 йил / 29 октябрь куни икки нусхада тузилди.